

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

483 «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 5 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда (29-модда) тайинланади»;

2) **9-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар ва паканалар ҳам эга»;

3) **12-модданинг:**

«**в**», «**г**», «**д**», «**е**» ва «**ж**» **бандлари** чиқариб ташлансин;

«**з**» **банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«з) болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлса — иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда. Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади»;

«**и**» **банди** чиқариб ташлансин;

«**к**» ва «**л**» **бандлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«к) ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳ-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 23 декабрда эълон қилинган.

рибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари — махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);

4) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлик пенсиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади»;

5) **18-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия

Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси бор стажга мутаносиб миқдорда (29-модда) тайинланади»;

6) **22-модданинг матнидаги «тўлиқ»** деган сўз чиқариб ташлансин;

7) **26-модданинг:**

«а» бандидаги «тўлиқ» деган сўз чиқариб ташлансин;

«в» банди чиқариб ташлансин;

8) **27-модда биринчи қисмининг:**

биринчи хатбошисидаги «Тўлиқ пенсия» деган сўзлар «Пенсия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«в» банди чиқариб ташлансин;

9) **28-модданинг «в» банди** чиқариб ташлансин;

10) **29-модда иккинчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

11) **30-модданинг иккинчи қисмидаги «а», «б»** ёки «в» бандларида деган сўзлар «а» ёки «б» бандларида деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **37-модда:**

биринчи қисмининг:

«е» ва «ж» бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил»;

«и» ва «к» бандлари чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи қисмларидаги «е» — «к» бандларда деган сўзлар «е» — «з» бандларда деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **49-модда биринчи қисмининг:**

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14) **50-модда** чиқариб ташлансин;

15) **66-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар:

боқувчисини йўқотганлик учун, шунингдек ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланганлиги ёки касб касаллигига учраганлиги оқибатидаги ногиронлик учун;

ходим ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлгунига қадар мазкур Қонун 12-моддасининг «б» бандига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларининг ўрнини қопловчи пулни иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **100-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда»;

2) **102-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тугатилганлиги муносабати билан (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди), шунингдек ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда (100-модда иккинчи қисмининг 7-банди) бекор қилинганда камида икки ой олдин»;

3) **104-модданинг биринчи қисмидаги** «(100-модда иккинчи қисмининг 1, 2, 5 ва 6-бандлари)» деган сўзлар «(100-модда иккинчи қисмининг 1, 2, 5, 6 ва 7-бандлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **234-модданинг бешинчи қисми** «меҳнат стажига» деган сўзлардан кейин «лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **290-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлик пенсияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган, суғурта қилинган ходимларга:

меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигига чалинганлиги туфайли — меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар;

бошқа сабаблар туфайли — муддати суғурта қилинган ходимнинг ногиронлик рўй берган вақтдаги ёшига боғлиқ тегишли умумий меҳнат стажига эга бўлган тақдирда тайинланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун 2011 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси 15-бандининг қоидалари 2016 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 декабрь,
ЎРҚ-272-сон